O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 137 (9.175) * 1998 йил 20 ноябрь, жума * Сотувда эркин нархда


Саноат

## ЯНА БИР «АЗАМАТ»



**«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти ва Американинг «Кейс корпорейшн» фирмаси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланганлигига қисқа вақт бўлган бўлсада ҳамкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Фирма тракторларини қишлоқ хўжалик экинлари қатор ораларига ишлов беришга мослаштириш борасидаги ишлари миқёси кенгаймоқда.**

Замон талаби асосида меҳнат қилаётган «Трактор» махсус конструкторлик шўъбаси муҳандис-техник ходимлари жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги-янги техникаларини яратишда доимо изланаётирлар. Бу техникалар ривожланган давлатлар техникалари билан бемалол рақобатлаша олиши шак-шубҳасиз.

СХР-100 «Азамат» универсал трактори ҳам шулардан биридир. Тўрт ғилдиракли бу трактор уч ғилдиракли айлантирилиб, дала шароитларимизга мослаштирилди. Айланиш доираси ҳам кескин қисқарди. Орқа кўприк қисми ер сатҳидан бироз кўтарилиб, ўзгартирилди. Яъни 60-90 сантиметрли пахта жўяклари орасига ишлов беришга мослаштирилди. Трактор ёнидаги сиғими 130 литрлик ёқилғи идиш ишлов бериш пайтида ниҳолларга зарар етказмаслиги учун трансмиссия остига олинди.

СХР-100 «Азамат» тракторининг ташқи кўриниши кўркам ва файзли. Ҳажми ҳам олдингиларига қараганда анчагина ихчам. Трактор соатига 0,94 километрдан 15,6 километр тезликда ҳаракатланиш қобилиятига эга.

Янги русумли трактор Ўзбекистон давлат техника ва тракторларни синаш марказига юборилди. Тракторни дала шароитимизга мослаштиришда А. Г. Эйсмонт бошлиқ муҳандис-конструкторлар В. Никитин, С. Щербаков, Л. Вишигородский, А. Тожимуродов, тажриба цехининг бошлиғи А. С. Сёмич, катта уста А. Мақсут, уста А. Мусаев, ишчилардан А. Фролов, В. Степашин, М. Немцов меҳнатлари самарали бўлди.

*Ҳусан БАРОТОВ.*



*СУРАТДА: дала шароитига мослаштирилган «Азамат» трактори.*

Анжуманлар

## ШАРҚ ЛИБОСЛАРИНИ ЯРАТИШГА БАҒИШЛАБ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш тадбирлари асосида Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда

**КЕЧА**

**ўз ишини бошлаган «Шарқ либослари — дизайнерлар ижод манбаи» мавзуидаги илмий-амалий конференция**

**БУГУН**

**ўз ишини давом эттирмоқда. Шуни айтиш керакки, ушбу конференция ишида хорижий мамлакатларнинг мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда.**

Ушбу конференциянинг ялпи ва шўъба мажлисларида костюм дизайни, тўқимачилик материаллари, чарм ва мўйнанинг технологияси ва бадиий безаги, матбаа маҳсулотларининг дизайни ҳамда тўқимачилик ва енгил саноатнинг маркетинги, менежменти ва мутахассислар тайёрлаш муаммолари муҳокама этилаётир. Унда шунингдек костюм дизайни, тўқимачилик материаллари, чарм ва мўйнанинг технологияси ҳамда бадиий безаги, тўқимачилик ва енгил саноат учун кадрлар тайёрлаш муаммолари, амалиёти, матбаа маҳсулотларининг дизайни, тўқимачилик ва енгил саноатнинг маркетинги ва менежменти бўйича шўъбалар ҳам иш олиб бормоқда. Шўъбалар мажлисларида юқорида эслатиб ўтилган мавзулар юзасидан таниқли олим, профессор ва академиклар, тегишли вазирлик ва қўмиталарнинг мутасаддилари, мусаввирлар ранг-баранг мавзулардаги ўз маърузалари билан қатнашмоқдалар. Шунингдек, турли бичимдаги либослар намойиши ҳам бўлиб ўтмоқда.

«Шарқ либослари — дизайнерлар ижод манбаи» мавзуидаги илмий-амалий конференция эртага ўз ишини туғаллайди.

*(Ўз мухбиримиз).*

Фан

## ҚУЛАЙ ТЕХНОЛОГИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институтида фан ва ишлаб чиқариш самарадорлиги йўлида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда.**

Бундай жараёнлар билан 11 та илмий лаборатория, тажриба-саноат қурилмалар лабораторияси, «Ором» кичик корхонаси, Чорвоқ биостанцияси бевосита шуғулланмоқда.

Институтнинг бир гуруҳ олимларининг фермент модда яратиш йўлидаги изланишлари ҳам кутилган натижани берди. Бу тадқиқот фермер хўжаликлари учун жуда қўл келди. Ушбу янги ферментлар ёрдамида турли хил чорва озуқасини тайёрлаш мумкин. Силос массаси кўринишидаги озуқалар ҳам чорва молларини семиртиришга хизмат қилади.

*Акбар АЛИЕВ.*

Футбол

## МАВСУМГА ЯКУН ЯСАЛДИ



**КЕЧА**

**Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерациясида спорт журналистлари иштирокида Ўзбекистон VII миллий чемпионатининг якунига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби. Осиё футбол конфедерациясининг аъзоси З. Қурбонов, федерациянинг масъул ходимларидан М. Ҳошимов, Г. Имомовлар бу йилги чемпионатнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳакамлар ва устозларни тайёрлаш масалалари, ўйингоҳларнинг ҳолати, терма жамоамизнинг XIII Осиё ўйинларига тайёргарлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар, журналистларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

— Олий лига ўйинлари аввалги йилларга қараганда ушбу мавсумда анча қизиқарли ўтди, — деди жумладан республика футбол федерациясининг бош котиби Зокиржон Қурбонов. — Бироқ ҳали қилинадиган ишлар кўп. Зеро, олий лиганинг жамоалар даражаси яхши бўлса-да биринчи лигада сезиларли ўзгаришларни амалга ошириш керак. Чунончи, 35-40 ёшга тўлган футболчилар олий лигадан биринчи лигага ўтиб тўп сурмоқдалар. Натижада ёш, умидли чарм тўп усталарининг ўсишига ўрин берилмаяпти. Шунинг учун келаси мавсумда биринчи лигада тўртта жамоани қисқартириб, жамоалар сонини 18 тага тушириш ва футболчилар учун маълум ёш чегарасини белгилаш режаларимиз бор.

Йиғилиш давомида стадионларни бугунги кун талаблари даражасига етказиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш борасидаги юмушлар, жисмоний тарбия институти қошидаги устозлар курсида мураббийларнинг малакаларини ошириш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам батафсил сўз борди. Энг муҳими, Германия футбол Федерацияси, олимпия қўмитаси кўмаги билан тажрибали мураббий Клауснинг юртимизда бир йилдан бери фаолият кўрсатиб, клубларни тузиш, мураббийларнинг малакасини оширишга қўшаётган ҳиссаси катта бўлаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

Обуна — 99

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?



**Келгуси йил учун вақтли нашрларга обуна давом этмоқда. «Тошкент оқшоми» газетасининг муштарийлари ўзлари севган газетага шаҳримизнинг исталган алоқа бўлимига кириб, обуна бўлишлари мумкин. Бинобарин, у ҳар галгидек энг яқин ҳамроҳ, энг яқин суҳбатдош бўлиб қолади.**

Таҳририят ижодий жамоасининг келгуси йил режалари катта. Газета саҳифаларида турли ёшдаги ва турли касбдаги мухлисларга манзур бўладиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар ёритилади. Шаҳримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлар ҳам аввало «Оқшом» саҳифаларида ёритилади. Бундан ташқари ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлардан ҳам ўз вақтида хабардор бўласиз.

Таҳририятга келган мактубларда муштарийларимиз ҳафтанинг жума куни чиқадиган «Дам олиш оқшомида» қўш саҳифаси материалларини мириқиб ўқишларини ёзишган. Келгуси йилда ҳам жума кунлари чиқадиган ана шу дам олиш саҳифаларида ранг-баранг мақолалар — севимли ёзувчию санъаткор билан диллашувлар, ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар, маданият янгиликлари, спорт оламида бўлаётган янгиликлар, уй бекаларига маслаҳатлар, хуллас турли касбдаги ва қизиқишдаги муштарийларга аталган теша тегмаган гапларимиз бўлади.

«Оқшом» газетаси чакана савдога чегараланган миқдорда чиқарилади. Келгуси йил учун газетага обуна тартиби ҳам бирмунча ўзгарди. Энди якка тарздаги обуначилар ва идоралар учун обуна алоҳида ҳолда расмийлаштирилади.

«Тошкент оқшоми» газетасига республикамизнинг турли шаҳарлари ва қўрғонларида истиқомат қилаётганлар ҳам обуна бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

**Нашр индекслари:**
**Якка обуначилар учун — 209.**
**Идоравий обуначилар учун — 563.**

Шахмат

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР МУСОБАҚАСИ

**Аввал хабар бериб ўтганимиздек, пойтахтимиздаги «Жар» спорт марказида «Труд» газетасининг соврини учун болаларнинг анъанавий учинчи халқаро шахмат турнири бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллик санасига бағишланган.**

Ушбу турнир ҳар доим бўлганидек бу гал ҳам ёш шахмат иқтидорларидан 120 дан зиёдни тўплади. Уларнинг аксарияти ушбу турнирда иккинчи марта, баъзилари эса учинчи марта иштирок этишмоқда. Уларнинг спорт маҳорати йил сайин сезиларли даражада ошиб бормоқда. Масалан, қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева 12 ёшгача бўлган қизалоқлар ўртасида республиканинг икки марта чемпиони бўлди. Тошкентлик Антон Филиппов ана шу ёш гуруҳида Осиё чемпиони бўлди. Тошкентлик 14 ёшли Елена Левушкина Испанияда бўлиб ўтган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 5-ўринни эгаллади. Ана шу ерда шахмат бўйича Ўзбекистондаги энг ёш халқаро уста Иброҳим Ҳамроқулов жаҳон чемпиони бўлди. Иброҳим «Труд» газетасининг соврини учун бўлган турнирда икки марта иштирок этди ва ўтган йили биринчи ўринни эгаллади. У айни шу кунларда Ҳиндистоннинг Каликет шаҳрида 20 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўз мусобақаларини бошлади. Биз Иброҳимга ушбу мусобақада ҳам зафар тилаймиз.

Халқаро учинчи турнир швейцарча усул бўйича 9 турдан иборат бўлади. Қатнашчилар ёш гуруҳларга қараб 10-12-14 ёшларга бўлинган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўз командаларини мусобақага қўйганлар. Айрим командалар спорт мактабларини қўйишган. Исроил маданий маркази, Қозоғистон, Қирғизистон вакиллари ҳам мусобақада иштирок этишмоқда.

Турнирда ғолиб чиққан команда бош соврин — «Труд» газетасининг Кубогига эга бўлади. Ўтган йилда бўлгани каби бу гал ҳам ҳар бир ёш гуруҳида энг яхши ютуқларга эришган қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар топширилади. Қуш қаноти билан, шахматчи маҳорати турнирдаги ғалабалари билан кучли деганларидек, мусобақа ғоят қизғин ўтмоқда. Турнир 25 ноябрга қадар давом этади.

*(Ўз мухбиримиз).*

*СУРАТЛАРДА: «Труд» газетаси соврини учун мусобақалашаётган ёш шахматчиларимиз.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Рустам Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бошқарувининг раиси этиб тайинланди ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Анатолий Исаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда паралелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича Махсус ишчи гуруҳи тузилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат мулкини хусусийлаштиришга хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Греция миллий мудофаа вазири Апостолус Цохатзополус раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисга ташриф буюриб, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

● Фарғонада вилоят фаолларининг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республика Адлия вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари сессияларида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Греция миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

● Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Бедрих Копецки рафиқаси ҳамда бир гуруҳ ишбилармонлар билан Андижонда бўлиб, у ерда фаолият кўрсатаётган бир қатор қўшма корхоналар иши билан танишди, Андижоннинг диққатга сазовор жойларида бўлди.

● Муассислари Тошкент авиация институти ва Киев фуқаро авиацияси халқаро университети бўлган Тошкентдаги «Авиамарказ» қўшма корхонасининг тингловчиларига халқаро намунадаги дастлабки йигирмата диплом топширилди.

● Жиззах мебель ишлаб чиқариш корхонаси вилоятдаги хўжаликлар билан ғўзапоялар тайёрлаш бўйича шартномаларни имзолашга киришди. Ушбу шартномага биноан уч тоннадан зиёд ғўзапоя тайёрланади ва корхонага жўнатилади. Корхона эса уни қайта тайёрлаб, ундан ранг-баранг мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимёси институти мутахассислари турли хил хасталикларни даволашда қўлланиладиган қорақурт заҳридан зўр таъсир кўрсатадиган ферментни олиш технологиясини яратдилар.

● Таниқли спортчимиз Собир Рўзиев соврини учун қиличбозлик бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистоннинг аёллар командаси биринчи ўринни эгаллади.

### ЖАҲОНДА

● Украина Президенти Леонид Кучма халққа ва Верховная Радага навбатдан ташқари мактуб билан мурожаат қилди. Иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал қилиш мактубнинг бош мавзусидир.

● Бугун Арманистон Президенти Роберт Кочаряннинг Грузияга икки кунлик ташрифи бошланади. Бу ерда у Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан музокаралар олиб боради.

● Бугун Бойқўнғир космодромидан «Альфа» орбитал янги космик станцияси учирилади. У «Мир» станцияси ўрнини эгаллайди.

● Туркия Республикасининг Анқара шаҳрида Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудларининг 1225 ва 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси томонидан Туркия— Ўзбекистон дўстлик жамияти, Аҳмад Яссавий халқаро жамғармаси ҳамда туркий халқлари маданияти ва санъатини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ташкилоти биргаликда ўтказди. Анжуман доирасида Анқаранинг Кечиорен туманида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги хиёбоннинг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

● Россиянинг «Газпром»и 600 миллион доллар қарзи бўлган Молдовага газ етказиб беришни тўхтатишга қарор берганлигини эълон қилди.

● АҚШ Мудофаа вазирлиги Ҳинд океанининг Диего-Гарсия оролидаги ҳарбий базасида 11 та оғир бомбардимончи самолётларини сақлаб туражагини маълум қилди. Агар Ироқ ҳукумати БМТ халқаро текширувчилари билан ҳамкорликни яна тўхтатса бу самолётлар зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни бошлайди.

● Бутун дунёда яқинда Римда ҳибсга олинган Курд ишчи партиясининг етакчиси Абдулла Аджаланни озод қилишни талаб этувчи курдларнинг норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан Москвада икки курд ўзининг устидан бензин қуйиб ёқиб юборди. Шулардан бири касалхонада ҳаётдан кўз юмди. Туркия Абдулла Аджаланни беришни талаб қилмоқда. Акс ҳолда Италиянинг ҳаракатлари террорчиликни ёқлаш сифатида баҳоланади. Бироқ Италия Бош вазири М. Далемо Абдулла Аджаланнинг ўлим жазоси мавжуд бўлган Туркияга берилмаслигини айтди.

● Исроил парламенти яқинда имзоланган Фаластин—Исроил тинчлик келишуви имзолади.

● Римда Ғарбий Европа Иттифоқининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

● Европа Иттифоқининг Россиядаги вакили Европа Иттифоқи январга қадар озиқ-овқат ёрдамини етказиб беришни режалаштирмаётганлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда январь ана шундай маҳсулотларни етказиб беришнинг айни рисоладагидек ойидир. Чунки Россия учун февраль ва март ойлари энг қийин ойлар бўлади.

● Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус халқаро текширувчилари гуруҳининг 87 аъзоси Бахрейндан Бағдодга келди. Шу кунларда қолган текширувчиларнинг ҳам Ироққа келиши кутилмоқда.

● Буюк Британиянинг аппеляция суди Чилининг собиқ диктатори А. Пиночетни ҳибсга олиш бўйича иш юзасидан ўз қарорини 25 ноябрда, яъни генерал 83 ёшга тўлган кунда эълон қилинишини айтди.

● Малайзияда муссон ёмғирлари мавсуми бошланди. У мамлакатнинг вилоятларидан бирида кучли сув тошқинига сабаб бўлди.

● Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида ўтказилган «Голд флейк» халқаро теннис турнирида ўзбекистонлик теннисчи В. Куценко ғолибликка эришди. Финалдаги жуфт беллашувда ҳам Ўзбекистон теннисчилари — В. Куценко ва О. Огородовлар ғолиб чиқдилар.

● XIII Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон терма командаси жамоаси Деҳлида Ҳиндистон командаси билан дастлабки ўйинни ўтказиб 0:0 ҳисобидаги натижага эришди. Ўзбекистонлик чарм тўп усталари Калькутта шаҳрида ҳинд футболчилари билан яна бир ўйин ўтказишади.

Изҳор

# ОЛТИНГА ТЕНГ ҚЎЛЛАР

***Бир қасидачи шоир яшаб ўтган экан. У дунёдаги энг яхши ажойиботларга шеърлар бағишлабди. Нимаики ажиб сўзлари бор бўлса, барчасини қоғозларга жо қилибди.***

***— Эй, нияти эзгу инсон, — дебди бир куни ҳузурига чорлаб уни донишманд устоз, — Аллоҳ хоҳиши ила яратган барча гўзалликларни авлодларга маҳр этибсан. Дафтарингни ўқиб, ҳайратландим. Энди сенга бир илтимос: Аллоҳнинг бандалари, яъни сену менга ўхшаган инсонлар қўли ила яралган гўзалликларни ҳам мадҳ этиб қасидалар битгин...***

Шу тариқа буюк устазодалар Барбад, Моний, Беҳзод, Мирак сингари инсон фарзандлари ҳамда улар яратган ўлмас обидалар каби ўлмас сатрлар дунёга келибди. Буюк Темур хоҳиши ила яралган Оқсарой, Бибихоним, Кўксарой сингари бинолар, кўшклар, Шоҳ Жаҳон амри ила бунёд бўлган Тож Маҳал, Қизил саройлар ҳақида достонлар яралибди.

— Баракалла, — дебди Донишманд устоз, — энди сенинг битикларингни ўқиб, авлодлар ушбу қасри олийларни келиб кўражак, улардан андоза олиб, ажойиб тоқи-равоқлар қуражак.

Шундай бўлибди ҳам. Янги-янги устазодалар етишиб чиқибди. Гўзал навосозлар қўшиқ яратибдилар...

Шарқнинг гўзал бўстони ҳисобланмиш Тошкенти азимда ҳам бири-биридан гўзал биноларни кўриб келган одамларнинг ақли шошармиш. Эмишки, бир сайёҳ энг муҳташам иморатлардан бири — Олий Мажлис биносига кириб, у ердаги нақши нигорларни томоша қилибдур. Айниқса кираверишдаги узун-узун оппоқ устунлар, уларнинг устида худди Минораи Калондаги каби гулгун пештоқни кўриб ҳайратга тушибди.

— Эҳ, — дебди у, — шундай ажойиб санъат кошонасини тиклаган усталарга шарафлар бўлсин!

Буни эшитганлар кулиб қўяқолишибди.

— Сиз юртимизни бир айланиб зиёрат қилиб келинг, — дебди улардан бири, — бу кўрган ҳайратингизга яна ҳайратлар қўшилади. Ҳушингизни йўқотасиз.

— Ҳой, — дебди сайёҳ, — қани ушбу муқаддас диёрни бир кезсам кезақолай.



Сайёҳ дастлаб Самарқандга борибди. Оҳ-ҳо, у ердаги ажойиб нақшларни кўриб, чиндан ҳам ҳушини йўқотибди.

— Ким ишлаган буларни? — сўрабди сайёҳ. — Ахир бу қўл билан бунёд бўладиган мўъжиза эмаску!

— Сиз Хивага боринг, Бухорога боринг, — дейишибди усталар кулиб.

Сайёҳ ҳар бир шаҳарда, ҳар бир туманда бўлибди. Ҳатто оддий биноларда ҳам гулгун нақшларни кўриб ўзини йўқотаёзибди. Фарғонадаги Фарғоний номли сайргоҳни кўрибди. Ўша ердаги кўркам бино ичидаги рангларни, қандилларни обдон томоша қилибди.

— Агар кўзларим кўриб турганлари рост бўлса, дунёдаги етти мўъжиза йўқ бўлиб кетмабди, — дебди у ўзига-ўзи, — балки кўпайибди, яшнабди.

Сайёҳ Тошкентга келиб қараса бир бинога ёшлар кириб чиқишаётган эмиш.

— Бу қаер? — сўрабди сайёҳ.

— Бу — Бахт уйи, — дейишибди унга, — ёшларимиз келиб, мустақил ҳаётга, муқаддас оила қуришга йўлланма олиб чиқадиган табаррук даргоҳ.

Сайёҳ бино ичкарисига кириб, ўша аввал кўрган нақши нигорларни кўриб, кўзларига ишонмабди.

— Ё тавба! — дебди у, — айтинглар, қайси улуғ зот яратган буни?

— Ўша буюк Монийлар, Мирак наққошлар, устод Абдулқодирларнинг чевара шогирди, ҳамшаҳримиз, — дейишибди сайёҳга.

— Исмини айтинг, — дебди сайёҳ, — ахир ўз юртимга борганимда унинг ҳақига дуо қилиб юрай.

— Исми Саидасрорҳожи Саидмухторҳожи ўғли, устози, халқимизнинг фахри бўлган Маҳмуд Усмоннинг дуосини олган, барчанинг олқишига сазовор бўлган уста.

Сайёҳ бир лаҳза жим қолибди.

— Менинг энг яхши сўзларим, гарчи у ясаган қандиллар каби гўзал бўлмаса ҳам, ҳамду саноларим ўша инсонга, ўша инсоннинг мўъжиза яратган қўлларига бўлсин, — дебди сайёҳ сидқидилдан. — Маҳмуд Усмоновни биламан. Унинг номи отамнинг дафтарида бор. Навоий номли театрда, бошқа кўплаб биноларда унинг табаррук нақшларини кўрганман. Агарки ўша устанинг дуосини олган бўлса, шу устага таъзимимни, эҳтиромимни бағишладим.

Сайёҳ нақшларга таъзим қилиб, йўлга тушибди.

Хориждан келган сайёҳки инсоннинг мўъжизакор қўлига, шу қўл яратган гўзалликларга таъзим этар экан, мен нечун таъзим бажо этмас эканман?

Ушбу арзимас қасидам уста Саидасрорҳожи Саидмухторҳожи ўғлига бахшида бўлсин. Яна эллик йиллар олтинга тенг қўллари гўзалликлар яратаверсин!

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

*СУРАТДА: ганчкор уста Саидаҳрорҳожи Саидмухторҳожиев.*

Аччиқ, аммо очиқ гап

# ЎЗИ ЯХШИ, ҲАҚИНИ ТЎЛАШ-ЧИ?

***Ҳозирги кунда одамларимиз икки-учта квартиранинг эгаси бўлиб олишаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто эндигина 3-5 ёшга тўлган фарзандлар номига ҳам квартира расмийлаштириб қўйганлар ҳам бор. Майли буниси ҳам «Яхши ният — ярим давлат» деган нақлга асосланган бўла қолсин. Аммо мана шу уйлар учун ҳақ тўлаш-чи? Бу ҳақда гоҳо «Яшаб турган жой учун ҳақ тўланглар» деб мутасаддилар мурожаат қилишса «хўп» дейишадию, ўз билганларидан қолишмайди. Зеро, иссиқ ва совуқ сувдан беҳисоб фойдаланишни канда қилишмайди.***

Худди мана шу масала юзасидан мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Воҳиджон Каримов билан суҳбатлашди.

**— Воҳиджон ака, айтингчи, уй-жойдан фойдаланишда кўрсатилган хизмат сарф-харажати таннархи, аҳоли учун тўлов тарифи, аҳоли тўлов улуши ҳамда бюджет томонидан тўлов улуши қандай белгиланган?**

— Бу саволга жавоб беришдан олдин бирлашмамиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача тўхталсам. Шаҳримиз бўйича 11 та марказий ва 130 та кичик қозонхоналар мавжуд. Улар ҳозир қишки мавсум тартиби билан ишлаб, уйлар, боғча, мактаб, шифохона ва бошқа биноларга иссиқлик ва иссиқ сув бермоқда. Биз шу кунгача 137 километр иссиқлик келтирувчи қувурларни янгиладик. 515 километр иссиқлик қувури жорий таъмирланди. 731 та уйнинг муҳандислик коммуникациялари янгиланди. Бу ишларни амалга ошириш учун 1 миллиард 640 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари уй-жойларни капитал ремонтдан чиқариш учун бюджет ҳисобидан 720 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунга қарамай фуқароларимиз фойдаланиб турган уй-жойларига ҳақ тўлашга баъзан монелик қилишаётир. Гапнинг индаллосини айтганда бу жуда ноинсофликдир.

Энди юқорида сўраган сарф-харажат таннархига тўхталадиган бўлсак, бунда коммунал хизмат учун ўртача тариф **1 квадрат метрга кўрсатилган хизмат сарф харажати таннархи 9 сўм 75 тийин, аҳоли учун тўлов тарифи — 7 сўм 80 тийин.** Аҳолининг тўлов улуши 80 фоизни, бюджет томонидан тўлов 20 фоизни ташкил этади. Иссиқлик **1 квадрат метрга 12 сўм 29 тийин, аҳоли учун тўлов тарифи 4 сўм. Иссиқ сув 1 киши бошига 286,4 тийин, аҳоли учун тўлов 100 сўм. Совуқ сув ва канализация хизмати кўрсатилган хизмат сарф-харажати таннархи 29 сўм 99 тийин, аҳоли учун тўлов тарифи 14 сўм 98 тийин. Санитар тозалик хизмати 1 ноябрдан бошлаб киши бошига кўрсатилган хизмат сарф-харажати таннархи 50 сўм 45 тийин, аҳоли учун тўлов тарифи 25 сўм қилиб** белгиланди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, аҳоли эҳтиёжи ўйлаб кўрилиб, қилинаётган сарф-харажатнинг асосий қисми бюджет ҳисобидан бўлмоқда.

**— Энди туманлар ичида ва аҳоли ўртасидаги қарздорларга муносабатингизни билдирсангиз.**

— Шаҳримиздаги барча туманда кўп қаватли уйлар мавжуд. Аммо айрим туманлардаги аҳолига ҳайронсан. Яшаш турмуши бинойидек, оиладагиларнинг топиши ҳам ёмон эмас. Бироқ уй-жой ва коммунал хизмат ҳақини тўлаш сансалорлик. Бу борада Сергели тумани рекорд қўйган. **Уларнинг 54,1 миллион сўмлик қарзи бор. Чилонзор 53,9 миллион сўм, Шайхонтоҳур 46 миллион сўм, Собир Раҳимов 41,7 миллион сўм дебитор қарзи бор.** Аҳоли томонидан қарздорлар рўйхатига назар ташлайдиган бўлсак **Шайхонтоҳур туманидаги «Марказ-14» мавзеси, 9-уй, 31-хонадонда яшовчи Мўминова 1997 йилдан буён уй-жой коммунал хизматига** ҳақ тўламайди. Унинг қарзи 20 минг 75 сўмга етди. **Яна «Марказ-14» мавзеси, 17-уй, 31-хонадон эгаси Абубакирова эса 1996 йилдан буён ҳақ тўламайди. Унинг қарзи 35 минг сўмга етди. Чилонзор тумани Алгоритм даҳаси 47-уй, 50-хонадон соҳиби Ёқубжонов аҳоли ўртасида рекорд ўрнатмоқда.** Унинг 1996 йилдан буён уй-жой ва коммунал хизмат ҳақини тўламагани учун қарзи 64 минг 889 сўмга етди. «Қўшнинг кўр бўлса кўзингни юм» қабилида иш тутган **48-хонадон соҳиби Абдумажидовнинг қарзи эса 50 минг 769 сўм бўлди. У ҳам 1996 йилдан бери ҳақ тўламайди.** Бундай қарздорлар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин. Уларни яна бир бор инсоф ва диёнатга чақирамиз. Ҳар гал бориб «пул тўланг деймиз», улар «хўп» дейишади-ю, ўз билганларидан қолишмайди. Зеро, ҳозир бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Мана шу турар жойлар учун керак бўладиган барча маблағлар аҳоли томонидан тўланган пул ҳисобига амалга оширилишини тушуниб етсалар нур устига нур бўларди.

*Суҳбатдош Гулчеҳра МАЛИКОВА.*

***Келиннинг эшиги олдига 10 та бир хил қора рангли «ГАЗ-31» келиб тўхтади. Машиналарнинг овозидан бир зумда теварак-атроф одамларга тўлди. Куёв навкарлар истиқболига ичкаридан келиннинг дугоналари чиқишди. Янга — Мастурахон сафга ипдек тизилган машиналар карвонини кузата туриб, кўнгли тўлмади шекилли бир зум ичкарига кириб, қайтиб чиқди. Куёв жўралардан бирини ўзига имлади.***

— Куёв-келин қайси машинада кетади, ўргилай.

— Анави, энг олдинда турган яп-янги қора машинада.

— Вой, «ГАЗ-31»ни айтяпсизми? Қизимизнинг обрўсини бунчалик ерга урмангларда, ука. Муаттархон «Агар «Лимузин» олиб келишмаса ЗАГСга бормайман» деяпти.

Келин томоннинг қатъий талабини эшитиб дўстлари даврасида қувноқ ўтирган куёв — Қодиржон бир зум оқариб-бўзарди. Кўнглининг аллақаери дарз кетгандек бўлди.

Обрў кучлилик қилди. Куёв жўралар ҳар томонга югуришди. Орадан икки соатлик муддат ўтар-ўтмас келиннинг истагини бажо келтиришди. Узоқ тунларни бедор ўтказиб ЗАГС куни йўл-йўлакай келинга айтадиган гапларини юрак қатида асраб қўйган куёвнинг сўзлари ичида қолди. Совуққина ўтган ЗАГС маросими, келин кузатувидан сўнг машиналар Қодиржоннинг уйи томон йўл олди. Бўлган воқеани эшитиб куёвнинг онаси — Адолат холанинг фиғони ошди.

Муносабат

# ШИРА БОСГАН КЎЗЛАР

— Вой кеккаймай ўлсин. Нимасига манманлик қилади. Юборган мебели бир ҳолатда бўлса. Аслида ўшанда мен ҳам чет эл мебелини олиб келасанлар деб машинадан юкини туширмай турсам бўларканда.

Кўпни кўриб, турмуш аччиқ-чучугини бошидан кечирган отахон ва онахонларимиз кўпинча эртани ўйламай қилинган ишнинг оқибати хайрли тугамайди, деб башорат қилишади. Шундай бўлсада биз янги ҳаётга қадам қўяётган бу оилага астойдил бахт тилагимиз келди. Билиб-билмай қилинган манманлик туфайли икки томон ўртасида пайдо бўлган гина-кудуратлар борабора унутилиб кетар, деган ният қилдик.

Шунақа нохуш ҳолатлар беихтиёр кишини ўйлантириб қўяди. Бу нима, тўқликка шўхликми? Ёки сохта дабдабабозликми? Ўзим шоҳиди бўлган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди.

Ўшанда ҳам ЗАГС маросими эди. Куёв ва келиннинг никоҳ маросимини тантанали нишонлаш мақсадида катта бир ресторандан жой олинди. Зални тўлдирган куёв навкарлар, келиннинг дугоналари, узоқ-яқинлар ўша дамда бор бисотларидаги ширин сўзларини аяшмади. Икки ёшга бахтдан тахт тилашди.

Куёв-келинни олиб юришга ёлланган ҳайдовчилар ҳам даврадан ўрин олишганди. Улар қувноқ, ўйин-кулги, ҳазил-мутойибалардан очилиб кетиб, хизматни ҳам унутишди. Дастурхонга қатор териб қўйилган спиртли ичимликлардан бебаҳра қолмаслик учун дастлаб улардан бироз татиб кўришди. Кейин...

Таърифи достон ЗАГС маросими тугагач йўлга чиқилди. Ҳайдовчилар орасида кимўзарлик бошланди. Шундай қувиб ўтишларнинг бирида куёв-келин тушган машина рўпарадан келаётган автобусга урилди. Тўй азага айланди. Не-не орзулар билан бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилган икки ёш муродига етолмай, оламдан бевақт кўз юмди. Манманлик, шуҳратпарастлик, дабдабабозликнинг оқибати шундай якун топди. Ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимиз, муқаддас анъаналаримизни менсимаслик оқибати фожиа билан тугади.

Баъзан ўйланиб ўйингга етолмайсан. Олдингда турли-туман саволлар кўндаланг бўлади. Бошимизга Ҳумо қуши қўниб яхши кунлар келди. Мустақиллик бизга озодлик берибгина қолмай, балки, йўқолган, топталган эркимизни ҳам қайтарди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланди. Буёғига биз яйраб-яшнаб, умр бўйи бундай олий неъматнинг шукронасини қилиб, уни янада мустаҳкамлаш изидан боришимиз керак эди. Хўш, шундай қилдикми? Баъзиларимизнинг кўзимизни шира босди. Нима қилсак қиламиз, эркимиз ўзимизда деб ўзларига ато этилган ҳуқуқларини суиистеъмол қила бошлашди. Айниқса, бундайлар орасида давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар борлиги ўта ачинарлидир. Шундайларнинг хусусан тўй ўтказишдаги кимўзарлик, дабдабабозликлари соғлом муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда. «Бирники мингга» деганларидек, уларга эргашган баъзи кимсалар қодир бўлмасаларда қарз-ҳавола билан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларга бағишланган тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўйган ҳолда ўтказмоқдалар. Энг ачинарлиси баъзан бундай тўй-маъракаларнинг охири мудҳиш якун топмоқда.

Яна бир ҳаётий мисол. Ўз маҳалласининг баобрў кишиларидан бўлган Элдор ака яқинда ўғил уйлантирди. Эрталабки ошнинг таърифини қўя туриб, кечки базм оқшомига ўта қолайлик. 600 ўринли стол нозneъматларга тўлиб кетди. Бир сўз билан айтганда дастурхонда жондан бошқа ҳамма нарса бор. Ичкилик мисли сув бўлиб оқди. Бир машина ароқ меҳмонларга яшиклаб тарқатилди. Ўша тўйда қатнашаётган Маҳбубахон ичкилик зўридан тобора ўзини йўқотиб бораётган эрига «Кўп ичманг, бўлди» ишорасини қилди. «Ўзгалар олдида мени беобрў қилдинг» дея эр — Мўминжон хотинига ўдағайлади. Рўпарада ўтирган қўшниси Абдурайим уни тинчлантирмоқчи бўлди. «Нега сен хотинимнинг ёнини оласан. Нима, ўрталарингда бир гап борми», дея Мўминжон қўшнисига ташланди. Ёқасидан маҳкам бўғиб қўлига тушган ароқ шишаси билан бошига урди. Қаттиқ зарбдан синган шиша қолдиғи яна бир-икки бор Абдурайимнинг юз-кўзини тилиб юборди. Бир зумда ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди.

Хўш, охири фожиа, афсус-надомат билан тугаган бундай дабдабали тўйнинг кимга кераги бор? Кўпинча шундай бўлади. Бошимиз тақ этиб деворга урилгандан кейин кўзимиз очилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Яширмаймиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони шира босган кўзларни очди. Ундаги бир жумлани такрор ва такрор ўқийман. **«Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар».**

Тўғрида, зеро мустақил юртимизнинг бой ва бадавлат фуқароларига айланиб бораётган эканмиз, эл-юрт кўз ўнгида яхши одат ва узоқ йиллик анъаналаримизни менсимасдан ўзимизни сохта дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш билан кўз-кўз қилиш ўрнига чўнтагимиздан тошиб чиққан ортиқча маблағларимизни эл-юрт фаровонлиги йўлида харажат қилсак савоб бўлмайдими? Мана бу ҳақиқий одамийлик, эл-юрт олдида ўзига ҳақиқий обрў орттириш бўлади. Ахир бекорга ҳам Йўлбошчимиз: «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деб бежиз таъкидлаётганлари йўқ-да!

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*






*Олтин кузнинг хазонрезги пайтида боғларда сайр қилишнинг ўзгача гашти бор.*

*Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.*

## БИЛАСИЗМИ?

• Дунёдаги энг қиммат китоб «Инжил»нинг қадимий нусхаси ҳисобланади. У 2 миллион 400 минг доллар туради. Ушбу китоб 1434 мелодий йилда Германиянинг Гетербург шаҳрида чоп этилган. Китобнинг фақат 21 та нусхаси мавжуд.

* * *

• Гиннеснинг жаҳон рекордлари китоби дунёдаги энг кўп сотилган китобдир. Бу китоб 22 тилда нашр қилинади. 1989 йилнинг ярмида 61 миллионта китоб сотилди.

* * *

• Эронда нашр қилинган биринчи китоб — «Довуднинг Забури»дир. Ушбу китоб бундан 350 йил аввал Исфаҳон шаҳрида нашр этилган.

* * *

• Дунёдаги энг ёш ёзувчи америкалик Денис Вольмердир. У олти ёшида ўзининг биринчи китобини ёзган. Энг кекса ёзувчи инглиз миллатига мансуб аёлдир. У ўзининг «Менинг ёшлик чоғларим» асарини 102 ёшида ёзиб, нашр эттирди.

* * *

• Эронлик қадимшунослар қидирув вақтида энг қадимги севги мактубини топишди. Маълум бўлишича, эрамиздан 2200 йил муқаддам бир йигит ўз маъшуқасига севги изҳор этиб, хат ёзган. Лекин бу дил изҳорини у қиз ўқиган ёки ўқимагани номаълум. Чунки у 16 килограмм келадиган тошга ўйиб ёзилган эди.

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.*

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

1. М. Риёзий (Чизельний) даҳаси.
2. Қорасув-6 даҳаси, 23, 24, 25, 26-уйлар.
3. Яланғоч даҳаси, 107, 108, 109, 110, 111, 112, 113, 114, 115, 117, 118, 119, 120, 121, 122, 123, 127, 128, 128а, 129, 130, 131-уйлар.
4. Лашкарлар кўчаси, 4, 6, 8а, 12-уйлар.
5. ТТЗ-4-даҳаси, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 52, 52а-уйлар.
6. Сайрам кўчаси, 1, 4, 9, 11, 29, 29б, 30, 31, 31а, 31б, 33, 33а, 35, 35а, 35б, 35в, 41, 43-уйлар.

**СИЗЛАРНИ ТЕЛЕФОНЛАРНИ ЎРНАТИШ УЧУН**

«Toshkent shahar telefon tarmog'i», ОТҲЖнинг Ҳожибоев кўчаси, 45-уй, 162-АТС манзилида жойлашган Мирзо Улуғбек туман филиалига

**ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

Маълумотлар учун телефонлар: 162-15-01, 162-15-70.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

• 25 сотихли, шундан 15 сотихи иссиқхона бўлган, барча қулайликларга эга 10 хонали планли уй сотилади. Тўлов пул ўтказиш йўли билан ва бошқа имкониятлар.

Мўлжал: 3-автокомбинат яқинида, «Қумариқ» маҳалласи, чойхона, Ҳасан ва Зуҳрилла. Тел: 57-98-26; 57-98-16; 78-22-82.

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида истиқомат қилувчи ва 1983 йилгача телефон ўрнатиш учун ариза берган барча фуқароларни «Toshkent shahar telefon tarmog'i», ОТҲЖнинг Мирзо Улуғбек туман филиалига телефон рақами ўрнатиш учун таклиф этамиз.

Манзил: Ҳожибоев кўчаси, 45-уй, 162-АТС.

Маълумот учун телефонлар: 162-15-01, 162-15-70.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**


Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоалари Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Норматовга волидаи муҳтарамаси

**Ҳадича опа ЭГАМБЕРДИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

